


«ТАСДИҚЛАНГАН»
“Oloy dehqon bozori” aksiyadorlik jamiayti
акциядорларининг
2015 йил 17 апрелдаги умумий
йиғилиши томонидан

Мажлис раиси



(имзo)

(Ф.И.Ш.)

«OLOY DEHQON BOZORI»
AKSIYADORLIK JAMIYATI NING
ИЖРОИЯ ОРГАНИ – ДИРЕКТОР ТҮҒРИСИДАГИ
НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя килиш тўғрисида»ги Конуни (кейинги ўринларда - Конун), бошка конун хужжатлари ва «Oloy dehqon bozori» aksiyadorlik jamiyat (кейинги ўринларда - Жамият) Устави асосида ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Жамиятнинг ижроия органи - Директор (кейинги ўринларда - Директор) ваколат доираси, уни сайлаш (тайинлаш), шунингдек унинг хукук ва мажбуриятларини белгилайди.

3. Директор Жамиятнинг кундатик фаолиятига раҳбарлик килади ва Жамиятнинг бошкарув органи хисобланади.

4. Директор Жамият Кузатув кенгасини ва Акциядорларнинг умумий йигилишига хисобдордир.

II. ДИРЕКТОР ВАКОЛАТ ДОИРАСИ

5. Жамият директори ваколатига қўйидагилар киради:

Устав ва Жамият Кузатув кенгасини томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик килиш;

Жамият Кузатув кенгасининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасалари, барча муъжиз шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя килиш;

банкларда хисоб ракамлар, шу жумладан валюта хисоб ракамларини очиш ва Жамиятнинг банк ва бошка молия хужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;

Жамият мижозлари ва бошка корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолаш ва битимлар тузиш;

ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол-мулки ва пул маблағларини тасарруф этиш;

штатларни белгилаш, ходимларнинг штат рўйхатини тасдиқлаш, Жамият ходимларини ишга қабул килиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини саклаб туришини таъминлаш;

Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлари, ходимларнинг лавозим йўрикномаларини тасдиқлаш;

Жамият номидан амалдаги конунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган бўйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

Жамиятнинг ички мөёрий хужжатларини тасдиқлаш, Акциядорларнинг умумий йигилиши ёки Жамият Кузатув кенгаси ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;

Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали харакатини таъминлаш;

Жамият Кузатув кенгасини томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўреатилган мидорларда фойда олишини таъминлаш;

Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик килиш;

Жамиятнинг фаолиятида конун хужжатлари талабларига риоя килинишини таъминлаш;

амалдаги конун хужжатларига мувофиқ Жамиятда бухгалтерия хисоби ва хисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик хисоботлар ва бошка молиявий хисоботлар тегишли органларга ўз вактида тақдим этилишини,

шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошка олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни Жамиятнинг Кузатув кенгаси, Тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;

давлат статистика хисоботи ва бухгалтерия хисоботини тегишли органларга тўлик ва ўз вактида тақдим этилишини таъминлаш;

хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сакланышини таъминлаш;

Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларани кўриш;

Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя килинишини ва уларнинг меҳнати муҳофаза килинишини таъминлаш;

Жамият акциядорларининг умумий йигилишида катнашиш, дивидендлар хисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча хукукларига риоя килиш;

конун хужжатлари, жамият Устави ва ушбу низомга мувофиқ Директор ваколатига кирувчи бошка масалаларни ҳал этиш.

6. Жамият Директори ҳар чоракда Жамият Кузатув кенгаси олдида Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш кандай бораётганлиги юзасидан хисобот беради.

Жамият Директори Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида молия йили якунларига кўра Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида хисобот беради.

III. ЖАМИЯТ ДИРЕКТОРИНИ ТАЙИНЛАШ

7. Жамиятнинг Директорини тайинлаш, унинг ваколатларини муддатидан илгари тутгатиш Жамият Кузатув кенгаси қарорига кўра амалга оширилади.

8. Жамият Директорининг хукук ва мажбуриятлари тегишинча конун хужжатларida, Жамият Уставида, Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдикланадиган “Ижроия органи (Директор) тўғрисида”ги низомда ҳамла у Жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал килиш муддатини узайтириш ёки уни бекор килиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома Жамият номидан Жамият Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаси ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамиятнинг Директори билан тузиладиган шартномада унинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш кандай бораётганлиги юзасидан Акциядорларнинг умумий йигилиши ва Жамият Кузатув кенгаси олдида берадиган хисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

IV. ДИРЕКТОРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Директор куйидагиларга ҳакли:
ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича мустакил равишда қарорлар қабул қиласи;
Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, бошка ташкилотлар ва органлар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалайди;

Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра бошка ташкилотларнинг бошкарув органларида лавозимга эга бўлиши мумкин;
хақ олиш;

Директор бошка хукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Директор мажбуриятлари:

Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиш;
ўз мажбуриятларини у билан тузилган меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ тегишли тарзда бажариш;

Акциядорларнинг умумий йигилиши ва Жамият Кузатув кенгаси қарорларининг

бажарилишини назорат килиш;

Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш;

Жамият Кузатув кенгаси ва Акциядорларнинг умумий йигилиши олдида хисобот бериш;

акциядорларнинг амалдаги конун хужжатларида кўзда тутилган ахборотларни олиш, Акциядорларнинг умумий йигилишларида иштирок этиш, дивидендлар хисоблаш ва тўлаш бўйича барча хукукларига риоя этилишини назорат килиш;

конун хужжатларида белгиланган тартибда Жамият фаолияти тўгрисидаги ахборотни тегишили тарзда ошкор этилишини назорат килиш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўгрисидаги хужжатларни Жамиятнинг Кузатув кенгаси, Тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра таклим этилишини таъминлайди;

Жамият таркибий тузилмаларининг самарали ҳамкорлик юритишини таъминлаш;

Жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

Жамиятда бухгалтерия хисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишили органларга йиллик хисобот ва бошка молиявий хисоботлар ўз вактида таклим этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

давлат статистика хисоботи ва бухгалтерия хисоботини тегишили органларга тўлик ва ўз вактида таклим этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

Жамиятнинг тизкорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг сакланишини таъминлаш;

Жамият фаолияти тўгрисидаги маҳфий ахборотни ошкор қилмаслик;

Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;

конун хужжатларида белгиланган тартибда меҳнат муносабатлари билан бўглик масалаларининг ҳал этилишини таъминлаш;

Жамият фаолиятида конун хужжатлари, ушбу Устав, «Ижроия органи (Директор) тўгрисида»ги Низом ва Жамиятнинг бошка ички хужжатлари талабларига риоя килиш.

Директор қонун хужжатларига мувофик бошка мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

11. Жамият Кузатув кенгаси Жамиятнинг Директори билан тузилган шартномани у шартнома шартларини бузган тақдирда тутатишга (бекор қилишга) ҳакли.

Жамият Кузатув кенгаси Жамиятнинг Директори билан тузилган шартномани, агар у Жамият Уставини кўпол тарзда бузса ёки унинг харакатлари (харакатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар стказилган бўлса, муддатидан илгари тутатиш (бекор қилиш) хукукига эга.

12. Жамиятнинг Директорига тўланадиган ҳақ микдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри бўглик бўлади ва шартномада белгиланади.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

13. Ушбу Низом Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасликлангандан кейин кучга киради.

14. Ушбу Низомга амалдаги конун хужжатлари ўзгартирилганлиги ва Жамият Уставига ўзгариши ва (ёки) кўшимчалар киритилганлиги муносабати билав ўзгариши ва (ёки) кўшимчалар киритилиши мумкин.

15. Ушбу Низомга киритилган ўзгариши ва (ёки) кўшимчалар Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасликлангандан кейин кучга киради.

Жамият директори



А.Раззоков